



PROSPECTS FOR THE IMPACT OF CURRENT RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND THE UNITED STATES ON AFGHANISTAN

Mutalib Kasimov

*Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science
Uzbekistan*

Shokhrukh Burkhanov

*Independent Researcher
Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan-U.S. relations, Afghanistan issue, peace and stability, regional security, Central Asia Strategy, international cooperation, Trans-Afghan transport corridor, counterterrorism, Taliban movement, Shavkat Mirziyoyev

Received: 23.11.24

Accepted: 25.11.24

Published: 27.11.24

Abstract: This article analyzes the prospects for cooperation between Uzbekistan and the United States in addressing the Afghanistan issue. It highlights the importance of collaboration between the two nations in ensuring peace and stability in Afghanistan. The study also discusses the goals outlined in the U.S. Central Asia Strategy for 2019–2025 and international initiatives aimed at fostering regional connectivity with Afghanistan. Additionally, the article examines the impact of the situation in Afghanistan on U.S.-Uzbekistan relations and explores the future prospects for cooperation.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИНИНГ АФҒОНИСТОНГА ТАЪСИР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муталиб Касимов

*Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон*

Шохрух Бурханов

*Мустақил тадқиқотчи
Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, Афғонистон муаммоси, тинчлик ва барқарорлик, минтақавий хавфсизлик, Марказий Осиё стратегияси, **Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар доирасида Афғонистон муаммосини ҳал қилишдаги ҳамкорлик

халқаро ҳамкорлик, трансфғон транспорт йўли, терроризмга қарши кураш, толибон ҳаракати, Шавкат Мирзиёев

истикболлари таҳлил қилинади. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, 2019-2025 йилларга мўлжалланган АҚШнинг Марказий Осиё стратегиясида белгиланган мақсадлар ҳамда Афғонистон билан минтақавий ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга қаратилган халқаро ташаббуслар муҳокама қилинади. Мақолада Афғонистондаги вазиятнинг АҚШ-Ўзбекистон муносабатларига таъсири ва келажакдаги ҳамкорликнинг истикболлари ҳақида фикр юритилади.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВЛИЯНИЯ ТЕКУЩИХ ОТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА И США НА АФГАНИСТАН

Муталиб Касимов

*Доктор философии (PhD) в области политических наук
Узбекистан*

Шохрух Бурханов

*Независимый исследователь
Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: отношения Узбекистан-США, афганская проблема, мир и стабильность, региональная безопасность, стратегия Центральной Азии, международное сотрудничество, Трансафганский транспортный коридор, борьба с терроризмом, движение Талибан, Шавкат Мирзиёев

Аннотация: В данной статье анализируются перспективы сотрудничества между Узбекистаном и США в решении афганской проблемы. Особое внимание уделяется значимости взаимодействия двух стран в обеспечении мира и стабильности в Афганистане. Также обсуждаются цели, изложенные в Стратегии США по Центральной Азии на 2019–2025 годы, и международные инициативы, направленные на развитие региональной взаимосвязанности с Афганистаном. В статье рассматривается влияние ситуации в Афганистане на отношения между США и Узбекистаном, а также перспективы их дальнейшего сотрудничества.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги турли соҳалардаги замонавий ҳамкорлик ривожини турли тадқиқотчиларнинг ишларида кўриб чиқилмоқда. Масалан, PhD, профессор Грегори Глисон, сиёсий фанлар доктори, профессор Сайфиддин Жўраев, иқтисод фанлари номзоди доцент Эльёр Маҳмудовларнинг ҳаммуаллифликда ёзилган “Народное слово” газетасида 2020 йилнинг 23 июлдаги сонидан эълон қилинган, “Узбекистан - США: новая эра

стратегического партнерства” (Ўзбекистон-АҚШ: стратегик ҳамкорликнинг янги даври) мақоласи ҳажмига кўра ихчамлигига қарамасдан ўзининг чуқур таҳлили билан ажралиб туради. Аммо унда бу ҳамкорликнинг Афғонистон муаммосидаги ўрни кўрсатилмаган.

Бу борада мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Минтақавий хавфсизлик масалалари Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил май ойидаги АҚШ ташрифи чоғида ҳам кўтарилган эди. Ўшанда томонлар экстремизм ва терроризмга, умумий глобал таҳдидларга қарши кураш соҳасида ҳамкорликни янада кучайтириш соҳасида ўз собитликларини баён қилган.

АҚШ давлат котиби Майкл Помпеонинг 2020 йил 3 февралда Ўзбекистонга ташрифини икки мамлакат ўртасидаги ўзига хос ходисалардан деб ҳисоблаш мумкин. Бу ташриф чоғида томонлар стратегик ҳамкорлигининг янги босқичи учун замин тайёрланиши лозим эди. Ташриф жараёнида АҚШ давлат департаменти томонидан тайёрланган 2019-2025 йилларда Марказий Осиё учун янги стратегия эълон қилинди. Мазкур стратегиянинг асосий тамойиллари жумласига: минтақа мамлакатлари мустақиллигини мустаҳкамлаш; Афғонистон Ислом Республикасини Марказий Осиёга бирлаштириш; инсон ҳуқуқлари ва ҳудудга инвестициялар олиб кириши соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш киради.

АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларида Афғонистондаги вазиятни изига тушириш масалаларида кўп томонлама ҳамкорликка жиддий эътибор қаратилмоқда. Вашингтон Ўзбекистоннинг Афғонистондаги можароларни ҳал этиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини эътироф этади. Кобул ва мамлакатдаги асосий сиёсий кучларни шу жумладан “Толибон” ҳаракатини келиштириш учун Тошкент тутаётган йўл кўпчиликка маъқул келмоқда. Бундан ташқари 2020 йилнинг 27 майида Ўзбекистон – АҚШ – Афғонистон ўртасида дастлабки уч томонлама йиғилиш видео анжуман тарзида ўтказилди.

Йиғилиш натижаларига кўра Ўзбекистон ТИВ янги уч томонлама шакл Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суришга йўналтирилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш шунингдек уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга фаол жалб қилиш учун маслаҳатлашув механизми эканлигини баён қилди.

Афғонистондан қуролли кучларнинг аста секин олиб чиқиб кетилиши жараёни ва шунга боғлиқ ҳолда мамлакатда беқарорлик кучайиши ҳамда давлат тепасига “Толибон” ҳаракати келганлигини 2021 йилдаги ўзига хос ҳодиса дейиш мумкин. Шу боис шу йилнинг май ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ва АҚШ президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Залмай Халилзод билан музокаралари давом эттирилди.

Шунингдек, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик ҳам фаол давом этаётганлиги Афғонистон муаммосини ҳал қилиш ва Марказий Осиёда барқарорликни сақлашда муҳим ўрин тутиши мумкин бўлган воқеалардан бири – АҚШнинг Монтана штатида 2021 йилнинг 16 июнида ниҳоясига етган, Марказий Осиё мамлакатлари

Мўғулистон ва Покистон ҳарбийлари иштирокидаги “Минтақавий ҳамкорлик - 21” муштарак машғулотларидир.

2021 йилнинг 31 августида АҚШ ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишни деярли якунлади. Аммо шу йилнинг 15 августида Афғонистон тўлалигича толиблар қўлига ўтиб улгурган эди. Илгари Афғонистон демократик республикаси, Афғонистон ислом республикаси деб аталган мамлакат эндиликда Афғонистон ислом амирлиги номини олди. Аммо ҳанузгача бу давлатни бирон мамлакат расман тан олмаганлиги мазкур маконда воқеалар қандай кечишини ҳеч ким айта олмаслиги борасидаги фикрни юзага чиқармоқда. Бундай дейишимизнинг боиси 2022 йилнинг 15 августида толиблар ўз давлати мустақиллигининг бир йиллигини нишонлади, лекин шу муносабат билан бирон бир давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам толибларни қутламади.

Америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш тугатилганидан сўнг, АҚШ президенти ушбу мамлакатда мўлжалланган мақсадга эришилганлигини – яъни “Ал-Қоида” тўла маҳв этилганлигини баён қилади. Агар “Ал-қоида” толиблар билан ҳанузгача муносабатда эканлиги назарда тутилган бўлса бу фикрга унча ишониб бўлмайди. Қизиғи шундаки, Байден ОАВ вакиллариининг “Сиз толибларга ишонасизми?” қабилидаги саволларига йўқ деб жавоб беради. Шунингдек у Афғонистонни толиблар эгаллашига ишонмаслигини чунки 75000 нафар толибларга қарши АҚШ ёрдамида яхши тайёргарликдан ўтган 300000 нафардан иборат ҳукумат қўшинлари борлиги баён қилади. лекин воқеаларнинг кейинги ривожининг ваъдалари (афғон фуқаролари учун масъулиятни зиммасига олиш ва ҳ.к.) буткул асоссиз эканлигини кўрсатиб берди.

Шунингдек, Байденнинг Афғонистоннинг келажаги ҳақида “биз Афғонистондаги ўз мақсадларимизга эришдик, мақсадимиз миллат яратиш эмас, бу фақат афғон халқининг ҳуқуқи ва масъулияти ... аммо бутун мамлакатни назорат қилиш учун ягона ҳукумат тузиш эҳтимоли ўта камлиги” дейиши, айти пайтда Афғонистондаги томонлар билан фаолроқ ишлаш зарурлигини ҳамда бунга манфаатдор минтақавий ва халқаро иштирокчиларни ҳам даъват қилиш зарурлигини кўрсатиши ҳамда афғон ҳамкорларига молия ва техникадан ёрдам кўрсатишда давом этишини баён қилиши, бундан ташқари Афғонистондан “қочиб қолиш” баробарида толибларга қиймати 85 млрд долларга тенг бўлган қуро-яроғ ва жанговар техникани қолдириб кетганлиги АҚШ ҳали Афғонистонда узоқни кўзлаган мақсадлари борлигидан далолат беради. Бундай дейишимизга сабаб, The Washington Post газетасининг маълумотларига кўра, америкаликлар чиқиб кетишидан сал олдинроқ МРБ директори Уилям Бернс Кобулда мулла Абдулғани Бародар билан махфий учрашув ўтказганлигидир. Улар нима ҳақида сўз юритганлари ҳозирча маълум эмас.

Хорижий кўшинлар Афғонистонни тарк этганидан сўнг юз берган ва бераётган ходисалар Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги борасидаги масала устида Янги Ўзбекистон ҳукумати ҳам жиддий иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш алоҳида таъкидланган эди.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг айнан Афғонистон муаммосига бағишланган тадбирларда, хусусан, 2022 йилнинг 21 июл куни Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашувида “Афғонистонда узок муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши керак. Биз ушбу мамлакатнинг энг яқин кўшнилари сифатида бу заминдаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзимиз манфаатдор бўлишимиз лозим. Мазкур муаммо халқаро ҳамжамият томонидан қандай қабул қилиниши ҳам кўп жиҳатдан айнан бизга боғлиқ. Шунингдек, ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақамиздаги иқтисодий жараёнларга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш тарафдоримиз” деган бўлса, 2022 йилнинг 26 – 27 июль кунлари “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш” мавзусига бағишланган халқаро конференцияси 2018 йил 27 мартда Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”, шунингдек, 2021 йил 15 – 16 июль кунлари бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференциянинг мантиқий давоми бўлганлиги ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида Афғонистон ҳукуматини жаҳон ҳамжамиятининг асосий талабларига риоя қилишга, терроризмнинг барча кўринишларига самарали қарши курашиш бўйича биргаликда қатъий чоралар кўришга даъват этди ва “Бундай ёндашув Муваққат ҳукуматга бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига олиб келади, Афғонистон учун ён-атрофдаги давлатлар ва халқаро ҳамжамият билан дўстлик, яқин кўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муҳитида барқарор тараққий этиш бўйича аниқ истиқболлар очади” деган ҳолда, гўёки Афғонистон билан келажакда бўладиган муносабатларда халқаро ҳамкорлик заруратини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон ушбу алоқаларни олиб боришда давом этади, чунки Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ҳам қўшни мамлакатлар, ҳам РФ, АҚШ, ХХР, ЕИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорлик ўрнатиш устивор вазифа сифатида белгиланиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг ШХТдаги мавқеидан фойдаланган ва юқорида келтирилган давлатларни жалб этган ҳолда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғловчи Трансафғон транспорт йўлини қуриш лойиҳасини амалга оширишда давом этади.

Марказий ва Жанубий Осиёни амалий ўзаро боғлиқлигини белгиловчи муҳим ҳалқалардан бири Афғонистон бўлганлиги, ушбу ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мунтазам ривожланишнинг асосий шартларидан бири эканлиги боис, бунга Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида замонавий, самарадор ва хавфсиз транспорт-юк ташишиш инфратузилмасини яратиш билан эришиш мумкин.

Американинг Ўзбекистон билан алоқаларни давом эттиришдан манфаатдорлиги эса куйидагиларда ифодаланади:

Биринчидан, Марказий Осиё бўйича 2019-2025 йилларга мўлжалланган янги стратегия муддати тугагани йўқ бу эса АҚШ ва “С5+1” баён қилган узоқ муддатли мақсадлар ва манфаатларни амалга оширишда Вашингтон албатта Ўзбекистоннинг тутган ўрнини ҳисобга олади.

Иккинчидан, 2021 йилнинг кузида АҚШ ва Ўзбекистон ҳукуматлари мамлакатлар ўртасидаги йиллик икки томонлама сиёсий маслаҳатларни Стратегик ҳамкорлик мулоқотига айлантиришга қарор қилган.

Учинчидан, юқорида келтирилган минтақалараро транспорт тузилмаларини яратиш ҳамда Тинч океанга йўл солишда ҳам АҚШ фаол иштирок этади ва бу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлигини давом эттиради.

Давлат раҳбари ва сиёсий арбобларнинг юқорида баён қилинган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик таъминланиши ва бу давлат билан яхши қўшничилик, ҳар томонлама, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун келажакда ҳам имкондаги мавжуд саъй ҳаракатлардан фойдаланиши ҳамда шу мақсадда АҚШ ва Афғонистон билан муносабатларини ҳам мустаҳкамлашга интилиши борасидаги ҳулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. США опубликовали новую стратегию по Центральной Азии на 2019-2025 годы
Gazeta.uz 06.02.20

2. Узбекистан, США и Афганистан активизируют борьбу с COVID-19, терроризмом и наркотрафиком
Gazeta.uz 06.02.20 available www
<https://www.gazeta.uz/ru/2020/08/13/safety/>

3. <https://www.gazeta.uz/ru/2021/07/09/afghanistan/>
4. *Владимир Малышев*, По обе стороны Пянджа, или Новая игра США.
<https://vpoanalytics.com/2021/09/07/po-obe-storony-pyandzha-ili-novaya-igra-ssha/>
5. *The Washington Post* CIA Director William Burns held secret meeting in Kabul with Taliban leader Abdul Ghani Baradar
6. [https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezident_i_shavkat_mirzиеvning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2020_yil_24_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezident_i_shavkat_mirzиеvning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar))